



БОЖХОНА НАЗОРАТИНИ СОДДАЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

¹Лутфуллаев Шукурулло

¹ Давлат божхона қўмитасининг

Божхона институти ходими,

²Араббаев Санжар

²Давлат божхона қўмитасининг Божхона расмийлаштируви ва
назорати бош бошқармаси ходими.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7294193>

ARTICLE INFO

Received: 26th October 2022

Accepted: 04th November 2022

Online: 05th November 2022

KEY WORDS

ЖБТ, товарлар, шахслар,
транспорт

ABSTRACT

Мақолада божхона органлари фаолиятини рақамлаштириш шароитида божхона расмийлаштируви ва назоратида рақамли технологияларни жорий этишнинг усуллари ва зарурати бўйича сўз юритилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган яқин қўшничилик ва иқтисодий ҳамкорлик сиёсати натижасида ташқи иқтисодий фаолиятга оид кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгармоқда. Ўзбекистон Республикасида халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик, ташқи савдо фаолияти, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида божхона органлари аҳамияти юқори бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири божхона расмийлаштируви ва назоратини амалга оширилишини соддалаштириш ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича жадал олиб

борилаётган оқилона сиёсат натижасида 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушини 2 бараварга кўпайтириш назарда тутилган¹. Бу эса ўз ўрнида иқтисодий хавфсизликни таъминлашга масъул бўлган божхона органлари фаолиятини рақамлаштиришни тақазо этади.

Мақолада божхона органлари фаолиятини рақамлаштириш шароитида божхона расмийлаштируви ва назоратида рақамли технологияларни жорий этишнинг усуллари ва зарурати бўйича сўз юритилади.

Асосий қисм

Жаҳон божхона ташкилоти божхона органларини рақамлаштиришнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланади.

¹ ПҚ-4699-сон 28.04.2020. Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz)



Хусусан, ЖБТ томонидан 2016 йил “Рақамли божхона йили” деб эълон қилинган ҳолда, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича халқаро йўл харитаси қабул қилинган². Ташкилот тавсиялари асосида ривожланган давлатлар амалиётида рақамли божхона концепцияси аллақачон ўз натижаларини бериб келмоқда.

Шу ўринда, ЖБТ талқинига кўра, “товарлар, шахслар, транспорт воситалари ва валюта қимматликларини назоратдан ўтказиш, божхона тўловларини тўланишини таъминлаш ва бу жараёнда халқаро савдони кенг тарқалиб бораётган халқаро терроризм каби жиноятчиликлардан ҳимоялаш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланиш – рақамли божхона” деб аталади³.

Лекин мазкур таъриф тор маънода келтирилган бўлиб, кенг маънода рақамли божхона – ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, маълумотлар базаси, гипералоқа, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон божхона технологиялари орқали маълумотларни қайта ишлаш (Big data), телематика, булутли технологиялар, транспорт

телематикаси (транспортларни спутник орқали мониторинг қилиш) каби фаолиятларни ўзида мужжассамлаштирган тизим ҳисобланади.

Жаҳон божхона ташкилотининг маълумотларига кўра, рақамли божхона куйидаги элементларни ўз ичига олади:

- 24/7 тамойили асосида божхонани автоматлаштириш;
- божхона тўловларини электрон тўлаш – божхона картасини жорий қилиш асосида;
- электрон калькулятор – интеграциялашган тариф интерактив хизмати бунга мисол бўла олади;
- ТИФ субъектлари учун мобил хизматлар – божхона чегараси орқали ҳаракатланадиган жисмоний шахслар учун қулайликлар яратиш мақсадида, олиб кириш нормасидан ортиқча товарларга улар томонидан олдиндан тақдим этилган маълумотлар асосида божхона тўловларини ҳисоблаш (шу жумладан тўлаш) бўйича интерактив хизмат турини жорий қилиш;
- товарларни ва уларга тўланган божхона тўловларини электрон қайтариш;
- савдо оператори ҳудудида кўрик ва бошқа текширувларни амалга ошириш;
- божхона мақсадлари учун ҳужжатларни соддалаштириш ва электрон қайта ишлаш;
- халқаро почта жўнатмаларида жўнатилаётган товарлар учун CN22 ва CN23 декларацияларини электрон версиясини жорий этиш;

² Rahimov Sarvarbek Abdumutallibjonovich. The Concept of "Digital Customs" as a Key Tool to Prevent Corruption. Spanish Journal of Innovation and Integrity, Vol. 5 (2022), pp 575-581. Published April 30, 2022. Retrieved from: <http://sjii.indexedresearch.org/index.php/sjii/article/view/191>

³ Лобас Т.В., Макрусев В.В. Цифровая трансформация таможенного регулятора: теория, проблемы и международный опыт их решения // Экономика: вчера, сегодня, завтра. 2019. Том 9. № 9А. С. 65-79. DOI: 10.34670/AR.2019.91.9.008



- электрон божхона расмийлаштируви тизими (айрим илова ҳужжатларни сканер шаклдан электрон шаклга ўтказиш);

- минимал ва максимал қиймат чегараларни белгилаган ҳолда соддалаштирилган божхона расмийлаштирувини амалга ошириш⁴.

Давлат божхона қўмитаси фаолиятида рақамли технологияларни қўллаш бўйича дастлабки расмий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ6005-сон Фармони ҳисобланади⁵.

Хусусан, фармон билан тасдиқланган “2020 — 2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш” концепциясининг III бўлими “Божхона органлари фаолиятини ривожлантиришнинг мақсади ва устувор йўналишлари” деб номланган бўлиб, унда рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини божхона соҳасига жорий этиш орқали божхона органлари фаолияти шаффофлиги ҳамда самарадорлигини

таъминлаш асосий йўналишлардан бири сифатида келтирилган.

Шунингдек, қуйидагилар рақамли божхонани ташкил этиш учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар сифатида белгилаб олинган:

- “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали божхона постларида товарлар ва транспорт воситалари устидан назоратни амалга ошириш бўйича тартиботларни янада такомиллаштириш, шу жумладан уни чегара божхона постларида жорий этиш;

- божхона органлари ахборот тизимларини бошқа назорат органлари ахборот тизимларига интеграциялаш;

- реал вақт режимида товарларнинг божхона ҳудудига кириб келишидан эркин муомалага чиқарилишига қадар мониторинг қилиш имкониятини яратиш;

- мобил иловалар орқали божхона кўриги далолатномасини расмийлаштиришни амалга ошириш тизимини жорий этиш;

- темир йўл транспорти ташкилотларининг ўз ахборот тизимларини божхона органлари ахборот тизимларига интеграциялаш орқали темир йўл транспорти ташкилотлари томонидан божхона назорати остидаги вагон ва контейнерларнинг мамлакат ичидаги ҳаракати тўғрисида маълумотларни божхона органларига реал вақт режимида бепул тақдим этиш;

- ахборот тизимларини такомиллаштириш ва божхона юк

⁴ [Рақамли божхона – иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили \(bojxona.uz\)](http://bojxona.uz)

⁵ [ПФ-6005-сон 05.06.2020. Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида \(lex.uz\)](http://lex.uz)



декларациясини автоматик тарзда божхона органлари ходимлари иштирокисиз расмийлаштиришни жорий этиш;

- маълумотлар электрон алмашинувида киберхавфсизлик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш, божхона органларининг ахборот ва коммуникация ресурсларининг ҳимояланганлик даражасини ошириш;

- хорижий давлатларнинг божхона ва бошқа хизматлари билан ўзаро ахборот ҳамкорлигини кенгайтириш;

- Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали контрабанда предметларини ноқонуний олиб ўтилишининг самарали олдини олишга имкон берувчи замонавий техник жиҳозлар билан божхона органларини босқичма-босқич таъминлаш;

- маълумотни қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлашнинг сифати ва тезлигини ошириш бўйича божхона органларининг телекоммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш.

Мазкур тадбирларнинг узвий давоми сифатида ва божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омилини кескин қисқартириш, божхона соҳасини очиқлик, шаффофлик ҳамда ишончлилик тамойиллари асосида коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш мақсадида 2022 йил 27 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини янада

такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-122 сон фармони қабул қилинди.

Фармоннинг 2-илоvasи билан “2022-2023 йилларда божхона расмийлаштирув жараёнларини рақамлаштириш бўйича” йўл харитаси тасдиқланган бўлиб, унга кўра қуйидаги божхона тартиботларини рақамлаштириш назарда тутилган:

- тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини аниқлашда божхона органи томонидан тақдим этиладиган дастлабки қарорни бериш жараёнларини;

- автотранспорт воситасида юкларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида халқаро ташишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш жараёнларини;

- интеллектуал мулк объектлари реестрини юритиш жараёнларини;

- божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ва кечиктириб тўлашга рухсат бериш жараёнларини;

- ТИФ иштирокчисининг божхона органлари депозит ҳисобидаги пул маблағларини қайтариб олиш жараёнларини;

- божхона тўловлари бўйича солиштирма далолатномани расмийлаштириш жараёнларини;

- шартли божхона қийматини белгилаш бўйича хизматларни кўрсатиш жараёнларини;

- божхона тўловлари таъминотида банк кафолати ва суғурта полисларини кафолат берувчи ташкилотлар



томонидан божхона органига тақдим этиш жараёнларини;

- божхона юк декларациясига ўзгартириш ва қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш, бекор қилиш бўйича мурожаат қилиш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнларини;

- товарларнинг ТИФ ТН коди бўйича дастлабки қарор бериш жараёнларини;

- ваколатли иқтисодий операторлар мақомини бериш (худудий божхона бошқармалари томонидан) жараёнларини;

- божхона худудида қайта ишлаш ва (ёки) божхона худудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимларига товарларни жойлаштириш учун рухсат бериш жараёнларини;

- божхона органлари хизматида коррупциявий хавфлар юқори бўлган жараёнларни;

- республикага кириб келаётган транспорт воситаларига тегишли маълумотларни, шунингдек, чегара ўтказиш пунктларида тўланиши лозим бўлган йиғимларни олдиндан автоматик ҳисоблаш ва тўлаш жараёнларини;

- божхона омборларида юк операцияларида амалга ошириладиган жараёнларни;

- божхона кўригини амалга ошириш жараёнларини ва бошқалар.

Божхона расмийлаштируви ва назорати жараёнларининг рақамлаштирилиши нафақат тадбиркорлик субъектларига соддалаштирилган тартиботлар асосида

экспорт ва импорт салоҳиятларини оширишга имкон яратади, балки шаффофликни таъминлаш орқали коррупцияни камайтиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Лекин, рақамлаштириш жараёнлари тизимли йўлга қўйилмаслиги бошқа томондан коррупция келтириб чиқарувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Масалан, бугунги кунда божхона органларида 60 дан ортиқ автоматлаштирилган ахборот тизимлари мавжуд бўлиб, товарлар ва транспорт воситалари божхона чегарасини кесиб ўтгандан тортиб, то эркин муомалага чиқарилгунга қадар турли ахборот тизимларига улар тўғрисида маълумотлар киритилади. Маълумотларнинг айнан бир ахборот тизимида эмас турли тизимларда жамланиши ва уларни ўзаро боғлиқлиги ва солиштириш алгоритмининг мавжуд эмаслиги, бир дастурдаги маълумотларни бошқа дастурларда сохталаштириш йўли билан бошқача шаклда, ноҳалол тадбиркорларнинг мақсадларига хизмат қилувчи шаклларда тақдим этилишига имкон яратади.

Хулоса

Жаҳон банкининг Бизнес юритиш (Doing Business) индексида асосий мезонлардан бири – бу импорт ва экспорт операциялари жараёнида божхона процедуралрига сарф этиладиган вақт ва харажат сарфининг камлигидир. Бундай натижага эришиш учун эса аввало иқтисодиётни, хусусан, божхона органлари фаолиятини рақамлаштириш мақсадга мувофиқ.



Рақамли божхона нафақат самарадорликни оширади ва харажатларни қисқартиради, балки савдони осонлаштиришни ҳамда божхона фаолиятини шаффофлаштиришни назарда тутди, шу билан бирга, божхона хизматларини автоматлаштириш божхона

процедураларини соддалаштириш билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида тизим фаолиятини рақамлаштириш лозим бўлади.